

ОРАЛИҚ ҲИСОБОТ
25 Ноябрь – 9 Декабрь 2019
12 Декабрь 2019

I. АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

- 2019 йилнинг 20 сентябр куни Марказий сайлов комиссияси (МСК) Олий Мажлиснинг қуи (Қонунчилик) палатасига бўлиб ўтадиган сайловни 21 декабрь кунига белгилади. Бу парламент сайловлари – Шавкат Мирзиёев 2016 йилда президент этиб сайлангандан бери илк сайловлар – "Янги Ўзбекистон - янги сайловлар" шиори остида ўтказилмоқда ва мамлакатнинг муҳим Тараққиёт стратегиясининг бир қисми сифатида тақдим этилмоқда.
- Сайловлар тубдан такомиллаштирилган қонунчилик асосида ўтказилади. Янги қабул қилинган Сайлов Кодекси ДИИҲБнинг олдинги тавсияларини, ҳусусан Қонунчилик палатасида муайян депутатлик ўринларини сайловсиз берилишининг олиб ташланиши, сайлов округларидағи овоз берувчилар сонини тенглаштириш, сайловчиларга бир неча сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиш хукуки таъминланишини ўз ичига олган. ДИИҲБнинг бир қатор фундаментал хукуқ ва эркинликларга, шу жумладан, сайловга ўз номзодини қўйиш, уюшиш, сўз ва йиғилиш эркинлигига доир мунтазам тавсиялари қонунчиликда эътибордан четда қолдирилган.
- Сайловлар Марказий Сайлов Комиссияси (МСК), 150 та округ сайлов комиссиялари (ОСК) ва 10,300 га яқин участка сайлов комиссиялари (УСК) томонидан ташкиллатирилмоқда. МСК сайловларни ташкиллаштириш ва ўтказишга оид бир қатор қарор ва бошқа норматив хужжатлар чиқарган. Бугунга қадар барча сайловга доир тадбирлар ўз вақтида ўтаяпти. Парламент сайловлари билан бир вақтда ҳалқ депутатлари вилоят ва маҳаллий кенгашларга депутатлар сайловлари ҳам 22 декабрда ўтказилади. 12 –19 декабрь кунлари оралиғида муддатидан олдин овоз бериш мумкин бўлади.
- Сайлов округларининг сони 135дан 150га чиққани сабабли сайлов худудлари чегаралари тубдан ўзгарди. Чегаралар белгилангандан сўнг ҳар бир округдаги сайловчиларнинг ўртача сони тенглашди.
- МСК маълум қилишича, марказлашган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР) тузилган бўлиб, бу маълумотлар базасига овоз бериши хукуқига эга бўлган 20,6 миллион фуқаро киритилган. 22 ноябрда тақдим этилган Сайлов жараёнини бошқариш бўйича ахборот тизими (СЖБАТ) орқали барча сайлов участкалари СЯЭРга улана олади. Қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида овоз бериш хукуқига илк бор эга бўлди.
- МСК сайловда қатнашаётган партиялар томонидан тақдим этилган 40 минг имзолар намуналарини текшириб, ҳеч қандай муаммо йўқлигини тасдиқлагач, бешта сиёсий партия МСК томонидан рўйхатга олинган. 15 ноябрда МСК 150 сайлов округининг ҳар биридан

5нафардан, жами 750 нафар номзодни, шу жумладан 310 нафар аёл номзодларни рўйхатга олди. Шулардан 43 нафари (6 нафар аёл) Қонунчилик палатасининг амалдаги аъзосидир.

- Партиялар ва улар кўрсатган номзодларнинг сайлов билан боғлиқ бўлган барча харажатлари давлат томонидан қопланади. Бепул ташқи сайловолди ташвиқоти воситалари жойлашадиган манзил округ сайлов комиссиялари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда белгиланади. Партиялар, шунингдек ўз сайловолди тадбирларини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бепул ажратилган жойларда ўтказмоқда.
- Конституцияда сўз ва фикр эркинлиги, оммавий маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган, лекин айни вақтда, оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларининг “ҳаққонийлиги” бўйича масъул ҳисобланадилар. Кўпгина ТВ канал ва радиостанциялар мавжуд. Сайлов кодекси сайловларида иштирок этаётган сиёсий партияларга ва депутатликка номзодларга тенг имконият ва шароитлар яратади, МСК ўз қарорларида давлат ТВ каналлари, газеталарида партияларга бепул ажратиладиган вақт ва нашр майдонини белгилаб берган. Дебатлар тез- тез ўтказилмоқда, лекин анаънавий ОАВ журналистлари партия сайловолди дастурларини таҳлил қилаётгани одатда кузатилмаяпти. Мустақил фикр манбаи сифатида кўпроқ блогерларга мурожаат қилинмоқда.
- Сайлов кодекси сайлов жараёнини халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, сиёсий партияларнинг вакиллари, ва илк бор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш ва сайловолди жараёнида, хусусан сайлов участка чегарасини белгилашда, сайлов участка аъзоларини танлашда, сайловчилар рўйхатини тузишда муҳим ўрин тутган “Маҳалла” қўмиталаридан кузатувчилар кузатишини белгилаб берган. Жамоатчилик кузатувчиси мақоми фақатгина “Маҳалла” қўмиталари кузатувчилари билан кифояланган бўлиб, бошқа фуқаролик ташкилотлари кузатувчиликни амалга ошира олмайди.

II. КИРИШ

Марказий сайлов комиссиясининг расмий таклифи асосида ҳамда 9-11 июль кунлари ўтказилган Эҳтиёжларни Баҳолаш Миссияси (ЭБМ)нинг тавсиялари асосида ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳукуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ/ДИИҲБ) 25 ноябрь куни Сайловни кузатувчилар миссияси (СКМ) ни ташкил этди. ДИИҲБ СКМ 22 декабрда бўлиб ўтадиган сайлов жараёнининг биринчи раундини кузатади.¹ Элчи Тана де Зулуета бошчилик қилаётган СКМ Тошкент шахрида жойлашган бўлиб, 11 кишидан иборат асосий жамоа ҳамда 3 декабрдан минтақаларга чиққан 30 кишидан иборат узоқ муддатли кузатувчилар (УМК)дан ташкил топган. Миссия аъзолари ЕХХТга аъзо бўлган 17 та мамлакат вакилларидан йигилган. ДИИҲБ СКМ шунингдек МСКдан сайлов жараёнида (овоз бериш, овозларни санаш) иштирок этиш учун қўшимча 224 нафар қисқа муддатли кузатувчиларни (ҚМК) рўйхатга олишни сўраган.

Парламент сайловлари билан бир вақтда халқ депутатлари вилоят ва маҳаллий кенгашларга депутатлар сайловлари ҳам ўтказилади. ДИИҲБ СКМ бу маҳаллий сайловлар ҳақида фақатгина парламент сайловига таъсири нуқтаи назаридан ўз фикрини билдириши мумкин.

¹ Баъзи участкаларда ғолибларни аниқлаш учун тақорий сайлов ўтказилиши мумкин. Бу тақорий сайлов 22 декабрдаги сайловдан кейинги икки хафта ичida ўтказилади.

III. МАСАЛА ТАРИХИ ВА СИЁСИЙ ВАЗИЯТ

20 сентябрь куни Марказий сайлов комиссияси (МСК) Олий Мажлиснинг қуи палатасига сайлов 22 декабрь куни бўлиб ўтишини эълон қилди.² Бу парламент сайловлари – Шавкат Мирзиёев 2016 йилда президент этиб сайлангандан бери илк сайловлар – "Янги Ўзбекистон - янги сайловлар" шиори остида ўтказилмоқда ва мамлакатнинг муҳим Тараққиёт стратегиясининг бир қисми сифатида тақдим этилмоқда. Тараққиёт стратегиясида Олий Мажлис, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари белгиланган. ЕХХТ/ДИИХБ СКМси сухбатдошларининг аксарияти сайловдаги ўз иштироки борасидаги сухбат давомида мана шу Стратегияни бот-бот тилга олган.

Сўнгги парламент сайловлари 2014 йилнинг 21 декабряда ўтказилган бўлиб, унинг натижаларига қўра қонунчилик палатасидаги ўринлар тўртта партия орасида қуйидагича тақсимланган: Ўзбекистон Либерал Демократик Партияси (ЎзЛиДП) 52 та ўринга эгалик қилди, "Миллий Тикланиш" Ўзбекистон Демократик Партияси (ЎДП) – 36 ўрин, Халқ Демократик Партияси (ХДП) – 27 та ўрин, "Адолат" Ўзбекистон Социал Демократик Партияси (СДП) – 20 та ўрин.³ Ўша даврда амалдаги қонунчиликка қўра, 15 та ўрин Ўзбекистон Экологик Ҳаракати (ЎЭХ)га топширилган.⁴ Конунчилик палатасининг амалдаги аъзоларининг 16 фоизигина аёллардир.

Олий Мажлис олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистонда президентлик тизими амалда бўлиб, бунда ижро этувчи ҳокимият парламентга қараганда кенгрок ваколатга эга.⁵ 2019 йилнинг март ойида Конституцияга ҳукуматни шакллантиришни демократлаштирадиган ўзгартишлар киритилган эди.⁶ Ҳозирда Конунчилик палатаси 108 аъзодан иборат, 42 нафар аъзоси ижроия ҳокимиятдаги турли лавозимларга ишга ўтган. Бўшаб қолган ўринларга такорий сайлов ўтказилмаган.

IV. САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ

Парламент сайловларининг қонуний базаси сўнгги марта 2019 йилда ўзгартишлар киритилган Конституция, 2019 йил июнидан кучга кирган янги Сайлов кодекси ва МСКнинг сайловларни ташкиллаштириш ва ўтказишга оид қарор ва норматив хужжатларидан иборат.⁷ "Сиёсий партиялар тўғрисидаги" қонун, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги" қонун, Жиноят Кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг айрим моддалари хам сайловга таалуқлидир.

² Мамлакат Парламенти (Олий Мажлис) икки палата – 100 нафар билвосита сайланадиган аъзога эга бўлган Сенат ва бевосита сайланадиган 150 та аъзога эга бўлган қуи палатадан иборат.

³ Расмий маълумотларга қўра, сайловчиларнинг 89 фоизи сайловда қатнашган.

⁴ 2019 йилнинг 22 январида Ўзбекистон Экологик партияси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган. ЎЭХ фаолият юритишида давом этмоқда, лекин унинг раиси ва раҳбарияти ЎЭПга раҳбарлик қилмоқда. Бу партия илк маротаба бошқа партиялар билан тенг рақобатга киришади.

⁵ Ўзбекистон Президенти мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради, Бош прокурор ва ДХХ раисини тайинлади, бошқа муҳим лавозимларга тайинлов жараённида катта ўринга эга.

⁶ Бу ўзгартишлар ҳукуматни шакллантирища Конунчилик палатасининг аҳамиятини оширди. Энди Конунчилик палатаси мутлақ ваколатларига Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни кейинчалик уларни Ўзбекистон Президенти томонидан лавозимларга тасдиқлаш учун кўриб чиқиши ва маъқуллаш кирди.

⁷ 2019 йил сентябрдаги Конституцияга киритилган ўзгартишларга қўра, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиши жойларида сакланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди.

Тарқоқ бешта қонун ва қўплаб қонуности хужжатларини ўзида мужассамлаштирган ягона Сайлов кодекси қабул қилинган.⁸ Ушбу Сайлов Кодекси ДИИХБнинг аввалги муайян тавсияларини ўз ичига олган. Ҳусусан Қонунчилик палатасида ЎЭҲга депутатлик ўринларининг сайловсиз берилиши бекор қилинган, овоз берувчилар сони жиҳатидан сайлов округлар тенглаштирилган, сайловчиларнинг бир нечта сиёсий партияни, номзодларни қўллаб-куватлаб имзо қўйиш ҳукуки таъминланган. Илк бор қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида овоз бериш ҳукуқига эга бўлди. Аммо ДИИҲБнинг бир қатор бошқа, мунтазам тавсиялари қонунчиликда эътибордан четда қолдирилган. Шу жумладан, номзоди партиядан қўйилмаган фуқароларнинг сайланиш ҳукукини чеклайдиган, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар сайловда иштирок этмаслиги каби нормалар, номзоднинг Ўзбекистон худудида муқим яшashi ва бунинг муддати борасидаги талабларни бекор қилиш борасидаги тавсиялар инобатга олинмаган.

Конституцияда фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини тинч митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳукуқига эгалиги эътироф этилган. Лекин бошқа норматив хужжатлар бу ҳукуқдан фойдаланишини сезиларли тарзда чегаралайди. Сўнгги пайтларда нодавлат ташкилотларни (ННТ) рўйхатдан ўтказиш учун қўйилган маъмурий талаблар озгина юмшатилган бўлиб, бу фуқаролик уюшиш учун қулайроқ замин яратмоқда.⁹ Лекин ДИИҲБ СКМ рўйхатдан ўтган, фуқаровий ёки сиёсий ҳукуқлар, ҳусусан сайловлар билан боғлиқ ҳукуқлари борасида фаолият юритаётган фуқаролик жамияти ташкилотлари мавжудлигидан бехабар.

Конституцияда сўз ва фикр эркинлиги кафолатланган, лекин айни вақтда, ДИИҲБ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг такорорий тавсияларига қарамай, бу эркинликларни чеклаши мумкин бўлган жиноий ва маъмурий жазо ҳақидаги нормалар ҳамон кучда қолмоқда.¹⁰

Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказишга доир қонунчилик талаблари – ДИИҲБ уларнинг бажарилиши қийин ва ихтиёрий талқинга мойил деб эътироф этган – асосан ўзгармаган. Рўйхатдан ўтган ягона партиялар хозирда парламентдадир. 2003 йилдан бери, Ўзбекистон Экологик партиясидан ташқари, ҳеч қандай янги партия рўйхатдан ўтмаган.¹¹ Адлия вазирлигининг маълумотига кўра, янги партияни рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги мурожаатларнинг ўзи ҳам бўлмаган.

V. САЙЛОВ ТИЗИМИ

Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутати бир-мандатли мажоритар сайлов округларидан сайланадилар. Сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Мажлисга сайлов, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов, Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролар сайлов ҳукукларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар.

⁹ Енгиллаштирилган талаблар асосан ННТ грант шартномалари, давлат божини тўлаш, йиллик ҳисобот талаблари ва режалаштирилган тадбирлар ҳақида Адлия вазирлигини огохлантириш билан боғлиқ. Адлия вазирлигининг ДИИҲБ СКМга маълум қилишича, 2018 йилда ННТни рўйхатдан ўтказиш бўйича 921 ариза тушган бўлиб, шундан 811таси қондирилган. 2019 йилнинг 1 декабригача 605 ариза тушган бўлиб, шундан 462 таси қондирилган.

¹⁰ БМТ Инсон ҳукуклари қўмитасининг [Ўзбекистонга доир ҳисботининг](#) хulosаларини ҳам кўринг.

¹¹ Фақатгина 2008 йилда “Миллий Тикланиш” партияси билан “Фидокорлар” партияси қўшилишидан янги “Миллий тикланиш” партияси тузилган

олган номзод ғолиб деб топилади. Сайлов, агар унда сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса, ўтмаган деб топилади. Агар Қонунчилик палатаси сайловида сайлов округи бўйича икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан ҳеч бири сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда икки ҳафталик муддатда такрорий овоз беришни ўтказади. Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмайди.

Сайлов округларининг сони 135дан 150га чиққани сайлов худудларининг чегараларини тубдан қайта кўриб чиқиши тақозо қилди.¹² Барча округлар Ўзбекистондаги 12 минтақа, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрини тўлиқ қамраб олган.¹³ Халқаро тажриба ва сайлов борасидаги умум қабул қилинган амалиётга биноан ҳар бир округдаги сайловчиларнинг ўртача сони тенглаштирилди.¹⁴

38 хорижий давлатларда ташкил этилган 55 сайлов участкалари Тошкент шаҳридаги 12-сайлов участкасига бириклирилган. ДИИХБ СКМга МСК берган маълумотга кўра, хорижда 1,8 млн сайловчилар рўйхатига олинган. Уларнинг сайловдаги иштироки фаоллигига қараб, сайлов округдаги сайловчилар сонининг ўртача қийматидан максимал тавсия этилган 10 фоиз тафовутдан ҳам ошиб кетиши мумкин.

VI. САЙЛОВ БОШҚАРУВИ

Сайловлар Марказий Сайлов Комиссияси (МСК), 150 та округ сайлов комиссиялари (ОСК) ва 10,300 га яқин участка сайлов комиссиялари (УСК) томонидан ташкиллатирилмоқда. Қонунчиликда давлат идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа жамоат бирлашмалари сайлов комиссияларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларда ташкилий ёрдам бериши белгиланган. Маҳалла қўмиталари сайлов участка чегарасини белгилашда, сайлов участка аъзоларини танлашда, сайловчилар рўйхатини тузища амалий ёрдам кўрсатган.¹⁵

Конституцион орган мавқеъига эга МСК доимий орган бўлиб, ОСК ва УСКлар ҳар бир сайлов учун янгидан тузиладилар. МСК аъзолари худудий кенгашларнинг тавсиясига асосан Парламентнинг иккита палатаси томонидан чекланмаган муддатга тайинланади. МСКнинг 21 нафар аъзосидан деярли ярмиси, 11 нафари, шу жумладан раис ўринбосари ва котиби 2019 йилда тайинланган. МСК таркиби 16 аъзодан 21 аъзога ўсган, натижада МСК таркибидаги аёллар сони учтадан еттитагача ошган. Комиссиянинг етти нафар аъзоси доимий аснода ишлайди ва қолган аъзолари ўриндошлиқ асосида ишлайдилар.

МСК ўз вебсайтида сайловга оид тўлиқ маълумотларни мунтаззам бериб келмоқда. Сайлов бошлангандан бери, МСК 60га яқин, шу жумладан партиялар ва уларнинг номзодларинини рўйхатдан ўтказиш ҳақида, номзодларнинг сайловолди ташвиқотига, хорижда сайлов

¹² МСК 2019 йил 7 октябрдаги қарори билан бу сайлов худудларининг чегараларини тасдиқлади.

¹³ Округлар сони минтақадан минтақага фарқланади, масалан Сирдарёда 4 та округ бўлса, Фарғонада 17 та.

¹⁴ Сайлов кодексининг 9 моддасига кўра, сайлов округларини тузища сайлов округларидаги сайловчилар сонининг йўл қўйиладиган энг кўп четга чиқиши, коида тариқасида, ўн фоиздан ошмаслиги керак.

¹⁵ “Маҳалла” ўзбек жамиятининг анаънавий институти бўлиб, ҳозирда давлат ва жамият ўртасидаги боғловчи бўғин сифатида фаолият юритмоқда. Маҳалла институти 1993 йилдаги фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш институтлари тўғрисидаги қонун билан расмийлаштирилган. Маҳалла карорларини бузиш хукукий оқибатларига олиб келиши мумкин.

участкаларини тузишга, сайлов бюллетенларини тасдиқлашга доир мажбурий қарорлар чиқарган.¹⁶ Ҳозирга қадар, МСК белгилаб берган чора-тадбирлар режасидаги тадбирлар ўз вақтида бажарилмоқда.

Сайловчилар даражасидаги барча сайловга оид фаолият камида 9 дан 11 нафаргача аъзодан иборат 150 та округ сайлов комиссиялари (ОСК) томонидан мувофиқлаштирилади. МСК ОСКлар таркибини 11 октябрда тасдиқлаган.¹⁷ ОСКлар ўз навбатида 12 ноябрда камида 5 тадан 19 тагача аъзодан иборат участка сайлов комиссияларини (УСК) тузган. УСК аъзолар таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилиб, бу номзодларни тегишли округ сайлов комиссияси тасдиқлайди. Бошқа сайлов комиссияларининг аъзолари, сиёсий партияларнинг аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. МСК берган маълумотларга кўра, 26 ноябрь ҳолатига ОСК аъзолари сони 1612 УСК аъзолари сони 111,033 кишига этган.

Қонунчиликда масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш сайлов комиссияси томонидан коллегиал тарзда амалга оширилиши белгиланган. Сайлов комиссиялари ўз фаолиятини очиқ ва ошкора амалга оширади. Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқиша ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси депутатлигига, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиш хукуқига эга.

ДИИХБ СКМга МСК берган маълумотларга кўра, МСК овоз бериш тартиби ҳақида янгича методологиялар ва ўқув материалларини осонлаштириш орқали маҳаллий сайлов комиссия аъзоларининг билимларини доимо ошириш ҳаракатида. УСК аъзоларини ўқитиш жараёни ҳамон давом этмоқда, бу ўқувларда ДИИХБ СКМ кузатувчилари ҳам қатнашган ва баҳолаган. МСК 2019 йилдаги сайловларга бағишлиланган мобил иловани ҳам ишга туширган, кўпгина семинар ва давра суҳбатларини ташкил этган, босма ва видео материаллар тарқатган.

Сайлов куни сайловда қатнаша олмайдиган сайловчилар, хусусан хориждагилар ҳам 12 –19 декабрь кунлари оралиғида УСКга бориб муддатдан олдин овоз бериши мумкин бўлади. Хориждаги 110 ҳудудда ҳам мобил овоз бериш ташкил этилади.

Сайлов кодексида жисмоний имконияти чекланган шахслар учун зарур шарт-шароитлар яратиш белгиланган. Барча сайлов участкаларида нишаб йўлаклар, Брайль алифбоси асосида тайёрланган сайлов бюллетенлари назарда тутилган бўлиши лозим.

¹⁶ Партияларни МСК рўйхатидан ўтказиш уларга сайловда ўз номзодларини қўйишига имкон беради.

¹⁷ Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама килинади ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади.

VII. САЙЛОВЧИЛАРНИ РҮЙХАТГА ОЛИШ

18 ёшга тўлган фуқаролар сайловда овоз бериш ҳукуқига эгалар, суд томонидан “муомалага лаёқатсиз” деб топилган фуқаролар бундан мустасно. Биринчи маротаба қамоқда сақлаш жойларида ушлаб турилган ҳамда қамоққа олинган шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида овоз бериш ҳукуқига эга бўлди. Рўйхатга олиш пассив бўлиб, сайловчилар ўзларининг доимий ёки вақтинчалик рўйхатга ўтган яшаш жойларидаги сайловчилар рўйхатига киритилганлар.

Бу сайловларда илк бор марказлашган Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан (СЯЭР) фойдаланилади. СЯЭР аввал 2017 йилда Тошкентдаги маҳаллий сайловларда синовдан ўтган эди. Ергеодезкадастр давлат қўмитаси, ИИВ каби давлат идораларининг маълумотлар базаси асосида ташкил этилган СЯЭРга овоз бериши ҳукуқига эга бўлган 20,6 миллион фуқаро киритилган.

Сайловчиларнинг электрон рўйхатларини шакллантириш ва аниқлаштириш учун барча участка сайлов комиссияларига СЯЭР дан тегишли сайловчилар рўйхати тақдим этилган. Участка сайлов комиссияси аъзолари участка ҳудудида яшовчи аҳолини уйма-уй айланиб чиқиши йўли билан рўйхатга аниқлик киритади, бу жараён ҳамон давом этмоқда. СЯЭРни улар 22 ноябрда тақдим этилган Сайлов жараёнини бошқариш бўйича ахборот тизими (СЖБАТ) орқали янгилай олади.

Аниқлаштирилган сайловчилар рўйхатлари УСКларда сайлов кунидан камида 15 кун олдин эълон тахталарига жойлаштирилди. Сайловчилар ўз маълумотларини онлайн аниқлаб олиши ҳам мумкин. Сайловчилар рўйхатларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш ва ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ҳукуқига эгалар. УСК сайловчилардан келиб тушган талабномаларга 24 соат ичida жавоб бериши ва ўз қарорларини етарлича асослаб беришлари лозим. УСКларнинг қарорлари юзасидан судга апелляция билан мурожаат қилиш мумкин. Вақтинчалик аҳлоқни тузатиш муассасаларида, ҳарбий бўлинмаларда, ҳордиқ чиқариш жойларида, санаторийларда, шифохоналарда ва амбулатор даволаш муассасаларида бўлган ҳамда мамлакатдан ташқарида яшаётган овоз бериш ҳукуқига эга бўлган сайловчилар рўйхатлари мазкур муассасалар ёки муайян дипломатик миссиялар раҳбарлари томонидан тузилади. Сайловчилар рўйхатига ўзгартиришлар сайловга уч кун қолган муддатда киритиши мумкин эмас. Сайлов куни сайлов рўйхатидан ўз маълумотини топа олмаган сайловчилар ўзларининг мазкур участка ҳудудида яшашларига далил келтирган ҳолда ўз овозларини беришлари мумкин.

VIII. НОМЗОДЛАРНИ РҮЙХАТГА ОЛИШ

Ёши 25 дан кам бўлмаган ва сайлов кунига қадар мамлакатда камида сўнгги беш йил давомида яшаган фуқаролар номзод бўлишлари мумкин. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ва ўта оғир жиноят содир қилганлиги учун ҳали жазо муддатини ўтаб бўлмаган, хизматдаги ҳарбийлар ёки хавфсизлик хизмати ходимлари ва диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари номзодлик ҳукуқига эга эмаслар.¹⁸ Мустақил (партия тавсия қилмаган) номзодларнинг сайловларда қатнашиши мумкин эмас. Номзодлар ўз номзоди қўйилган сайлов округида муқим яшashi талаб этилмайди.

¹⁸ Сайлов кодексининг 5-моддасига кўра, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, 71-моддасига кўра, оғир ва ўта оғир жиноят содир қилганлиги учун ҳали жазо муддатини ўтаб бўлмаганлар номзодлик ҳукуқига эга эмаслар.

Сайловларда қатнашишлари учун депутатликка номзодлар МСК томонидан рўйхатга олинган сиёсий партиялардан бири томонидан таклиф қилиниши керак. Ўз номзодларини таклиф қилиш учун сиёсий партия сайлов бошланишидан камида тўрт ой олдин Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган бўлиши ва турли маъмурий худудлардаги 40 мингта сайловчилардан уни қўллаб-қувватлашларини тасдиқловчи имзоларни йиққан бўлиши лозим.¹⁹ ДИИХБнинг аввалги тавсияларига биноан қонунчиликдаги сўнги ўзгаришларга кўра, сайловчилар бир нечта сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкин.

МСК сайловда қатнашаётган партиялар томонидан тақдим этилган 40 минг имзолар намуналарини 15 фоизини текшириб, ҳеч қандай муаммо йўқлигини тасдиқлагач, бешта сиёсий партия сайловда иштирок этиш учун МСК томонидан рўйхатга олинган. 15 ноябрда МСК 150 сайлов округининг ҳар биридан 5 тадан, жами 750 нафар номзодни, шу жумладан 310 та аёл номзодларни рўйхатга олди. Ҳозирда 3 нафар номзод ўз аризасига кўра номзодини бекор қилгани сабабли рўйхатда жами 747 номзод қолган. Шулардан 43 нафари (6 нафар аёл) Қонунчилик палатасининг амалдаги аъзосидир. Сиёсий партия вакиллари билан ДИИХБ СКМ учрашувларида сухбатдошлар номзодларни қўйиш борасидаги қонун талабларини қониқарли деб топган.

Сайлов кодексига кўра, ҳар бир партиядан илғор сурилаётган номзодларнинг камида 30 фоизи аёллардан иборат бўлиши лозим, барча партиялар бу талабни бажарган. Умумий номзодларнинг 41 фоизи (310 нафари) аёллардир.²⁰

Сиёсий партиялар ўз номзодларини сайлов кунидан ўн беш кун олдинга қадар бекор қилиш хукуқига эга, айни чоғда, номзодлар номзодликдан истаган вақтда воз кешишлари мумкин, шу жумладан муддатдан аввалги сайловлар бошланган бўлса ҳам. Сайлов кодексида чиқиб кетган номзодга берилган овозлар қандай тақсимланиши белгиланмаган. ДИИХБ СКМга маълум бўлишича, номзод чиқиб кетган бўлса, МСК сайлов бюллетенларини қайта чоп этади ва тегишли округ участкасига етказади.

IX. КАМПАНИЯНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча ҳаражатлар давлат бюджетидан қопланади. Шахсий ҳайрияни фақатгина муайян партияни ёки номзодни моддий қўллаб-қувватлашга йўналтириш имкони йўқ. Чет давлатларнинг, улар жисмоний ва юридик шахсларининг ҳамда халқаро ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан сайловни молиялаштириш ҳамда номзодлар ва сиёсий партияларни моддий жиҳатдан бошқача тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

Сиёсий партияга давлат томонидан ажратиладиган маблағ ҳажми мазкур партия рўйхатга олган номзодлар сонига боғлиқ. 2019 йилги парламент сайловларига МСК тахминан 8,1 миллиард сўм (778, 800 Евро эквивалентида) ажратган бўлиб, ҳар бир номзод учун 10,8 миллион сўмдан (1040 Евро эквиваленти), ҳар бир партия учун тахминан 1,625 миллиард сўм (156,000 Евро эквивалентида) тўғри келмоқда.²¹ МСК қарорига кўра, партиялар ушбу 10,8 миллион сўмнинг 30 фоизини номзоднинг шахсий ҳисоб варагига ўтказиб бериши керак. Бу ҳар бир номзод 3,25 миллион сўмдан (315 Евро эквиваленти) қабул қилишини англатади. Колган 70 фоизи сайлов

¹⁹ Партиялар ҳар бир маъмурий-худудий тузилмадан талаб қилинган имзолар сонининг 8 фоизидан кўпроғини йигишига ҳақли эмас..

²⁰ Номзод аёллар сони 36 фоиздан (ЎЭП) 48 фоиз (Миллий Тикланиш) ўргасида.

²¹ Бир евро тахминан 10,400 сўмга тўғри келади.

кампаниялари билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни қоплаш учун партиянинг ўзида қолади. Сайлов кампанияси тадбирлари давомида сайловчиларга молиявий тўловларни амалга ошириш ёки совғалар (яъни товарлар ёки хизматлар) тарқатиш таъкиқланган.

Сайловолди кампания ҳақидаги молиявий ҳисоботни бериш ҳуқуқий талаби мавжуд эмас. Сиёсий партиялар ўзининг сайловда иштирок этишини молиялаштириш тўғрисидаги ахборотни сайлов якунлари эълон қилинганидан кейин бир ой ичидаги ўз расмий веб-сайтларида ва босма нашрларида эълон қилади. Сиёсий партиялар ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қилади ва ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади. Сиёсий партиянинг ҳисоботига унинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини ва уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ҳисобот йилида партиянинг ҳисоб-китоб варагига келиб тушган ҳамда сарфланган давлат маблағлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг хulosаси илова қилинади. Олий Мажлис ёки Ҳисоб палатаси молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан назоратни амалга оширади.

X. САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ

Сайлов кампанияси расман 20 сентябрь куни бошланди ва 20 декабрга қадар давом этади. Номзодлар МСК уларни 18 ноябрьда рўйхатга олгандан сўнг ўз сайлов кампаниясини бошлаган. Партия ва номзодлар сайловчилар билан учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида округ ёки участка комиссиясига маълум қилади, мазкур комиссиялар эса бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади. 2019 йилнинг 5 октябридан МСК қарори оммавий тадбирларнинг умумий сонини кўрсатган ҳолда сайлов кампанияси тугагунига қадар амал қилиш мuddати билан бир қатор оммавий тадбирларни, ҳусусан юришларни ўтказиш учун ягона рухсатнома беришни тавсия қилган. Сайлов куни ва ундан бир кун олдин сайлов кампанияси олиб борилмайди, бу даврда ижтимоий фикрни ўрганиш натижаларини ошкор этиш, шу жумладан интернетда ҳам, тақиқланган.

МСК ҳар бир сиёсий партияга сайловолди ташвиқоти материалларини жойлаштириш учун 225 тадан ташқи реклама воситалари (баннерларни) бепул ажратишга қарор қилган. Ажратилган баннерлар сони минтақадан минтақага фарқланади.²² Округ сайлов комиссиялари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда ташқи реклама воситалари жойлашадиган ерларни белгиласин ва сайловолди ташвиқоти материалларини жойлаштириш учун уларни сиёсий партияларга тенг равища тақдим этади. Шунингдек, ҳар бир партияга сайловолди ташвиқоти материалларини жойлаштириш учун 74 тадан ташқи электрон мониторлар бепул ажратилган. Партия ва номзодлар уларга ажратилган маблағлар эвазига қўшимча ташқи реклама воситаларини сотиб олиши мумкин, агарда маблағи бунга етарли бўлса. Кўчалардаги ушбу сайловолди ташвиқоти материаллари кўзга унчалик ташланмаяпти.

Партияларнинг дастурларида асосий эътибор ижтимоий химоя ва таъминот, иқтисодий ривожланишга қаратилган. Сайлов иштирокчилари ДИИХБ СКМга улар маҳаллий сайловчилар эътиборини ўзига тортиш мақсадида ўз сайлов кампаниясини маҳалла қўмиталари ва маҳаллий партия кенгашлари билан кенг ҳамкорликда тузганини билдирилар.

²²

МСК 977- қарорига кўра, Қорақалпогистода 18, Андижон- 17, Бухоро 14, Жиззах 14, Қашқадарё 16, Навоий 12, Наманган 13, Самарқанд 16. Сирдарё 12, Сурхондарё 15, Тошкент вилояти 23, Фарғона 20, Хоразм 13, Тошкент ш. 22 та баннер ажратилган.

Рўйхатдан ўтган бешта сиёсий партия раислари ДИИХБ СКМ билан сухбатда кампания қоидалари чекловчи эмас, аксинча қулайликлар яратувчи эканлигини таъкидлаган. Уларнинг ҳеч қайсиси, имконият бўлганда, кампанияни бошқача ўтказиши мумкинлигига ишора қилмаган. Сайлов иштирокчилари кампания давомида асосан уйма-уй юриш, сайловолди ташвиқоти материалларини жойлаштириш ва тарқатишни, сайловчилар билан бевосита учрашувларни тарғиботнинг энг кенг тарқалган усуулларидан эканлигини билдирилар. Ҳозирга қадар кампаниядан далолат берувчи ташқи фаолиятлар кўп бўлгани кузатилмади.

XI. МЕДИА

Конституцияда сўз ва фикр эркинлиги, оммавий маълумотлардан фойдаланиш ҳукуқи кафолатланган, лекин айни вактда, оммавий ахборот воситалари тарқатган маълумотларнинг “хаққонийлиги”га масъул ҳисобланадилар. Оммавий ахборот воситалари ва ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунлар бу соҳани тартибловчи асосий ҳукуқий ҳужжатлар бўлиб, уларда ОАВ фаолиятини ташкил этиш ҳамда маблағлаштиришга оид қатор нормалар мавжуд. Бу қонунлар учинчи томон ахборотининг холислиги ва ишончлилиги учун уни ўз платформасида тарқатган воситани жавобгар қилиш орқали ОАВ эркинлигини чеклади.²³ Тухмат, бўхтон, “фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишchanлик обрўсини таҳқирлаш” қонун ҳужжатларига мувофиқ 5 йилгacha қамоқ жазосига сабаб бўлади.

Кўпгина ОАВ турлари мавжуд, шу жумладан бутун республикани қамраб олган ТВ каналлар ҳам. Телевидение маълумот олишнинг асосий манбай ҳисобланади, ундан кейин интернет сайтлар ва радиоканаллар келмоқда. Мустақил фикр ва таҳлил манбай сифатида кўпроқ мустақил блогерларга мурожаат қилинмоқда. Барча оммавий ахборот воситалари, жумладан интернет ОАВлари ҳам Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) агентлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиши лозим.²⁴ Агентлик ОАВнинг фаолияти ахборот соҳасидаги қонунчиликка мувофиқлиги, хусусан мазмун устидан назорат олиб боради. Агентлик Ўзбекистон президентига ҳисоб беради.

Сайлов кодексининг З-моддаси ва МСКнинг қатор карорлари расмий сайловолди кампанияси бошлангандан сўнг номзодларнинг сайловолди ташвиқотини ёритишни белгилайди.²⁵ Сайлов кодексида ОАВ томонидан эфир вақти, нашр майдони ҳамда бошқа талаблар барча учун тенг ва бир хил бўлиши кераклиги айтилган.

МСК қарорига мувофиқ, илк маротаба Халқаро пресс-клуб партия вакиллари орасида ҳафтасига уч марта дебат ўтказмоқда. Бу дебатлар асосан жонли эфирда узатилмоқда. Жонли узатилмаётган дебатлар техник жиҳатдангина таҳrir қилинмоқда. ХПКдан ташқари дебатларни Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЭОАВМА) ҳам ўтказмоқда. Бугунга қадар ХПК 25та дебат ўтказган, уларнинг деярли барчаси жонли эфирда узатилган. ЭОАВМА битта жонли дебат ва 10га яқин ёзиб олинган дебатларни ўтказган. Умуман олганда, анаънавий ОАВ журналистлари дебатларда кўтарилаётган мавзуларни ёки партия сайловолди дастурларини

²³ “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонун блогерга таъриф бериб, веб-саҳифа эгаси ёки блогерга ўз платформасида тарқатган ахборотнинг холислиги ва ишончлилигини текшириш мажбуриятини юклаган. АОКА талабини бажармаган веб-ресурс блокланиши мумкин.

²⁴ АОКА аввал Матбуот ва ахборот агентлиги бўлган.

²⁵ Сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 4 та каналида 30 дақиқадан бепул эфир ажратилади. Белгиланган газеталарда 18 ноябрдан 15 декабргача сайловолди ташвиқоти материалларини чоп этиш учун газетанинг иккинчи сахифаси бепул ажратилиб, бу ҳақда биринчи сахифада киска анонс берилади.

тахлил ва муҳокама қилаётгани кузатилмаяпти. Дебатлардан ташқари, сайлов кампанияси ОАВда кам ёритиляпти.

Ижтимоий тармоқларда тарғибот, хусусан Facebook ва Telegram каналларида, партиялар томонидан ташвиқот усусларини диверсификациялаш учун фойдаланилмоқда ва сайловолди ташвиқотининг энг кўзга кўринаётган усусларидан биридир. Лекин умуман олганда, интернетда хам ташвиқот даражаси пастлигича қолмоқда.²⁶ Бугунга қадар сиёсий партиялар асосий ижтимоий тармоқларда пуллик реклама жойлаштиргани ҳам эътиборга лойиқdir.

ДИИХБ СКМ 1 декабрдан муайян давлат ва хусусий ОАВни кузатишни бошлаган.²⁷

XII. МИЛЛИЙ ОЗЧИЛИКЛАР

Ўзбекистон кўп миллатли давлатdir. Расмий статистик маълумотларга кўра, ўзбеклар аҳолининг 83,8 фоизини ташкил этади, қолган асосий этник гуруҳлар тожик, қозоқ, рус ва қорақалпоқлардан иборат.²⁸ Конституцияга кўра, Ўзбекистонда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, миллатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

2014 йилдаги паламент сайловларида қатнашган барча тўртта партиянинг парламентдаги аъзолари орасида миллий озчиликлардан вакиллар бор. МСК маълумотига кўра, навбатдаги парламент сайловига қўйилган 750 нафар номзоднинг 91,6 фоизи ўзбек, 3,3 фоизи қорақалпоқ, 2,7 фоизи корейс, 1,7 фоизи тожик, 0,9 фоизи рус ва 0,8 фоизи қозоқ миллатига мансуб. Сайлов бюллетенлари ўзбек тилида (лотин ва кирилл ёзувидан), шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан тегишли округ аҳолисининг қўпчилиги сўзлашадиган тилларда нашр этилади. Баъзи округларда бюллетенлар рус ёки қорақалпоқ тилида нашр этилиши мумкин. Рус тили ҳеч қандай расмий мақомга эга бўлмаса ҳам, баъзи материаллар, шу жумладан бу соҳадаги қонунчилик ҳужжатлари ва МСК қарорлари, ҳам рус, ҳам ўзбек тилида чоп этилади. ДИИХБ СКМга партиялардаги сухбатдошларнинг маълум қилишича, партиялар ўз тарғибот ва ташвиқот материалларини, хусусан партия газеталарини ўзбек, рус ва қорақалпоқ, баъзида тожик ва қозоқ тилларида ҳам чоп этишади.

XIII. ШИКОЯТЛАР ВА АППЕЛЯЦИЯ

Жисмоний ва юридик шахслар сайлов қонунчилиги бузилганлиги ҳақида сайлов комиссияларига шикоят қилишлари мумкин. Сайлов комиссиялари бу шикоятларга уч кун ичida, сайловгача олти кундан кам муддат қолларда дарҳол жавоб бериши лозим бўлади. Барча шикоятлар маҳсус рўйхатга олинниб, шикоятчи натижадан хабардор қилиниши керак.

Номзодлар, партиялар, сайловчилар ва кузатувчилар сайлов комиссияси қарорлари устидан юқори мартабали сайлов комиссиясига ёки фуқаролик ишлари билан шуғулланувчи биринчи масъул (туман) судига мазкур қарорлардан кейинги 10 кун ичida шикоят қилишлари мумкин. Ушбу муассасаларга қарор қабул қилиш учун уч кун муддат белгиланган. Сайловгача олти кундан кам

²⁶ Номзодларнинг ижтимоий тармоқдаги фаолияти асосан сайловчиларни ўтиб кетган тадбирлардан хабардор қилиш ва босма нашрдаги хабар сарлавҳаларини қайта чоп этиш билан кифояланмоқда.

²⁷ СКМ учта телеканални (Ўзбекистон, Ўзбекистон 24 ва UzReport), иккита радиоканални (Ўзбекистон ва Ёшлар), учта босма нашрларни (“Халқ сўзи”, Народное слово”, “Правда Востока” газеталарини) мазмун жиҳатдан тахлил қилмоқда.

²⁸ Сўнгги расмий аҳолини рўйхатга олиш 1989 йилда ўтказилган бўлиб, унда Ўзбекистонда яшайдиган 100дан кўп этник гуруҳлар кайд этилган.

муддат қолган ҳолларда масъул идора дарҳол қарор чиқариши лозим бўлади. МСК қарорлари юзасидан шикоятлар фақат Олий судга тақдим этилиши мумкин. Шикоятчилар ўз аризалари судларда ёки сайлов комиссияларида кўриб чиқилаётганида қатнашишлари мумкин. Бугунги кунга қадар МСКга сайлов жараёни бўйича ҳеч қандай расмий шикоят келиб тушмаган.

XIV. ФУҚАРОЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ КУЗАТУВЧИЛАРИ ВА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР

Сайлов кодекси сайлов жараёнини халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, сиёсий партияларнинг вакиллари, ва илк бор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлмиш ва сайловолди жараёнида муҳим ўрин тутган “Маҳалла” қўмиталаридан кузатувчилар кузатишини белгилаб берган. Сайлов жараёнида бошқа фуқаролик ташкилотлари учун кузатувчиликни амалга ошириш имконияти кўзда тутилмаган. Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида сайлов комиссияларига сайловдан камида ўн беш кун олдин ариза билан маълум қиласди. Мандат олган кузатувчилар сайловнинг барча жараёнини кузатишга ҳақли. Аkkредитациядан ўтган ОАВ вакиллари сайловни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов куни овоз бериш биноларида хозир бўлиш, шу жумладан овозларни санаб чиқиши хозир бўлиш хуқукига эга.

XV. ДИИХБ СКМ ФАОЛИЯТИ

ДИИХБ СКМ Ўзбекистондаги ўз расмий фаолиятини 24 ноябрдан бошлади. Миссия вакиллари Ташқи ишлар вазири, МСК раиси ва аъзолари, Олий суд раиси, парламент аъзолари, номзодлар, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти вакиллари, блогерлар, Ўзбекистондаги халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик корпус аъзолари билан учрашди. EXХТ Парламент Ассамблеяси (EXХТ ПА) ҳам сайлов куни сайловни кузатиш учун ўз вакилларини юбормоқчи. EXХТнинг амалдаги раиси EXХТ ПА президенти Георгий Церетелини ушбу сайловларда EXХТ маҳсус мувофиқлаштирувчиси ва кузатувчилар миссиясининг раҳбари этиб тайинлади. ДИИХБ СКМ ва EXХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари кординатори тегишли мандатлар асосида бир-биридан мустақил фаолият юритади.

**Бу ҳисоботнинг инглиз тилидаги версияси ягона расмий ҳужжат ҳисобланади.
Ушбу ҳисоботнинг норасмий таржимаси ўзбек ва рус тилларида мавжуд.**